

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

---

---

ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

**FarDU.  
ILMIY  
XABARLAR-**

1995 йилдан нашр этилади  
Йилда 6 марта чиқади

2-2019

**НАУЧНЫЙ  
ВЕСТНИК.  
ФерГУ**

Издаётся с 1995 года  
Выходит 6 раз в год

<b>Қ.Юлчиев</b>	
Ўзбек шеърлятида лирик хронотопнинг ривожы .....	77
<b>Г.Орипова</b>	
Мустақиллик даври ўзбек шеърлятида халқ оғзаки ижоди аныаналари ва ўзига хосликлар .....	82
<b>А.Акбаров</b>	
Немис адабиётида Абулқосим Фирдавсий қисматининг бадий талқинларига доир.....	87

## ТИЛШУНОСЛИК

<b>Ш.Турғунов</b>	
Наманган болалар фольклорида доимий ўйинлар ва уларнинг локал хусусиятлари.....	92
<b>А.Бердиалиев</b>	
Тил бирликларидро парадигматик ва синтагматик муносабатлар масаласига оид мулоҳазалар .....	96
<b>М.Абдупаттоев, С.Зокирова</b>	
Конгруэнтлик ҳодисаси ва унинг контрастив лингвистикадаги ўрни .....	101
<b>Д.Ашуrow</b>	
“Алпомиш” достонида қўлланилган ўхшатишларнинг лингвокультурологик хусусиятлари .....	104

## ПЕДАГОГИКА, ПСИХОЛОГИЯ

<b>Д.Саимназарова</b>	
Чет тилда матнни идрок этиб тушуниш хусусида .....	108
<b>А.Асимов, М.Ғофурова</b>	
Масаланинг қисқа ёзуви устида ижодий ишлаш .....	111

## ИЛМИЙ АХБОРОТ

<b>Т.Шадманов</b>	
1917-1941 йилларда Ўзбекистонда зичлаш ва зичланиш уй-жой муаммосини ҳал қилиш шаклларидан бири сифатида .....	115
<b>С.Маннопов, А.Қамбаров</b>	
Фаргона-Тошкент мақом йўналишининг фалсафий масаласига доир.....	118
<b>С.Содиқов</b>	
Фуқаролик жамиятига доир мумтоз назарияларнинг ривожланиши .....	120
<b>Н.Усмонов</b>	
Урбанизация ва ижтимоий ривожланиш.....	123
<b>Н.Маҳмудова</b>	
Исломий қоидаларнинг бадий талқини.....	126
<b>Ж.Дилмуродов</b>	
А.Ж.Крониннинг «the citadel» асарини инглиз тилидан ўзбек тилига ўгириш муаммолари .....	128
<b>Н.Эргашева</b>	
Инглиз тили Америка варианты грамматикасининг айрим хусусиятлари .....	130
<b>Н.Хошимова</b>	
Ассоциациялар индивидуаллигининг ташқи омиллари.....	134
<b>Р.Абдуллаева</b>	
Когнитив тушунчалар ва уларнинг мазмун-моҳияти.....	137
<b>Л.Тешабоева</b>	
Ўзбек ва инглиз адабиётида рамзий маъно ҳамда унинг хусусиятлари.....	140
<b>Г.Эшбекова, Г.Ҳамроқулова</b>	
Тарих фанини ўқитишда ишчи дафтардан фойдаланишнинг аҳамияти .....	142
<b>Д.Абдурахмонова</b>	
“БОБУРНОМА”нинг янги немисча таржимаси хусусида.....	145

## ФАНИМИЗ ФИДОЙИЛАРИ

<b>Фидойий олим</b> .....	148
---------------------------	-----

## БИБЛИОГРАФИЯ

<b>БИБЛИОГРАФИЯ</b> .....	150
---------------------------	-----

## “БОБУРНОМА” НИНГ ЯНГИ НЕМИСЧА ТАРЖИМАСИ ХУСУСИДА

Д.Абдурахмонова

## Аннотация

Мақолада ўзбек адабиётининг буюк қомусий асари бўлмиш “Бобурнома”нинг янги немисча таржимаси тўғрисида фикр юритилади. Ишда мазкур нашрнинг аввалги таржималардан фарқ қилувчи томонлари кўрсатилиб, унинг ўзига хос жиҳатларига эътибор қаратилади экан, келажакда асарнинг мазкур янги немисча таржимаси мисолида қиёсий-тарихий ва чоғиштира таҳлил асносида монографик тадқиқот олиб боришнинг муҳимлиги асослаб берилади. Айти пайтда мазкур ишнинг айрим амалий ва дидактик томонлари ҳам ойдинлаштирилади.

## Аннотация

Эта статья гласит о новом переводе Бобурнаме на немецком языке, являющийся одним из ярких примеров узбекской литературы. Здесь показаны некоторые аспекты, которые не находят своих настоящих изложений и уделено внимание на его определенные стороны. В будущем намеревается выполнение монографического анализа над сравнительно исторической и специфической основы с помощью нового перевода этой работы на немецкий язык. Также это служит поводом для становления более яснее некоторых дидактических и практических сторон этого произведения.

## Annotation

This article talks about the new German translation of Boburnoma, one of the brightest examples of Uzbek literature. Here, it is shown some aspects that could not be shown its previous translations and paid attention its particular sides. In the future it is intended to carry out a monographic analysis on a comparative-historical and specific basis with the help of this new German translation of the work. It has also made more clearer some didactic and practical aspects of this novel.

**Таянч сўз ва иборалар:** таржима, асар, тадқиқотчи, жаҳон шарқшунослари, янги нашр, форс тили, илмий, қиёсий таҳлил қилиш, таржима назарияси.

**Ключевые слова и выражения:** перевод, произведение, следовательно, мировые востоковеды, новый выпуск, персидский язык, научный, сравнительный анализ, трэотический перевод.

**Keywords and expressions:** translation, work, investigator, world orientalist, new edition, Persian language, scientific, comparative analysis, theoretical translation.

Ўзбек адабиётида Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг “Бобурнома”си сингари жаҳонга машҳур бўлган асар кам. Дунё миқёсида бизнинг адабиётни тадқиқ ва таржима қилиш нуқтаи назаридан қараганда у хатто Алишер Навоий ижодига нисбатан ҳам кўпроқ мурожаат қилинганлиги билан характерланади. Сабаби, мавжуд тадқиқотлар моҳиятига кўра, ушбу асарнинг Марказий Осиё, Афғонистон ва Ҳиндистон халқларининг тарихи, ижтимоий-сиёсий ҳаёти, турмуш тарзи, географияси, ўсимликлар ва ҳайвонот дунёсига оид батафсил маълумотларга бой эканлиги билан, айниқса, ўша даврга оид ҳарбий юришлар, тактикалар, теурий шахзодалар тўғрисида қимматли маълумотларнинг мавжудлигидир.

“Бобурнома” туркий адабиётининг муҳим дурдоналарин бири. У Шарқда “Тузуки Бобири”, “Воқеати Бобури”, “Вақоеъ”, “Воқеаномаи Шоҳи Бобур” номлари билан танилган. “Бобурнома” XVI асрнинг ўзидаёқ бир неча маротаба форс тилига, кейинчалик бир қатор Фарбий Европа тилларига ўғирилган.

Асарни форс тилига таржима қилишнинг ташаббускори Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг ўзи ҳисобланади. Унинг ҳозирда тўртта форсча таржимаси мавжуд. Асарнинг дастлабки форсча таржимаси Шайх Зайниддин томонидан амалга оширилган [1] бўлиб, у 1525-1526 йиллар орасидаги ўн бир ойлик воқеаларни қамраб олган холос. Иккинчи форсий таржима Ҳасан Пояндахон бошлаб, 1586 йилда уни Муҳаммадқули Ҳисорий охирига етказган [2]. Асарнинг форс тилидаги тўлиқ таржимаси Акбаршоҳ даврида Абдурахимхон ибн Байрамхон [3] томонидан амалга оширилганлигини таъкидлаш керак. Мазкур таржима асарининг дунёда кенг тарқалишида муҳим рол ўйнаган. Таржимашунос Н.Отажоновнинг таъкидлашича, ушбу манба нусхалари Лондон, Париж, Санкт-Петербург, Калькутта кутубхоналарида сақланмоқда [4,91]. 1912 йилда асарни оғаймурод Қарлуқ Хатлоний форс тилига таржима қилган. Бу тўртинчи таржима озирда Ўзбекистон ФА Шарқшунослик институти кўлёмалар фондида ақланмоқда [5,28].

Тадқиқотчиларнинг таъкидлашича, Европа илм аҳлига “Бобурнома”ни биринчи маротаба таништирган олим голландиялик Витсен бўлган. Айти пайтда Витсендан сал олдинроқ, 1697 йилда француз олими Дербели “Шарқ кутубхонаси ёҳуд Шарқ фуқаросининг билимига доир қомуслар” номли луғатга “Бобур ёки Бобир” номли кичик мақола киритиб, император Бобур ҳақида маълумотлар берганлигини

Д.Абдурахмонова – НамДУ катта ўқитувчиси.

ҳам айтиб ўтилади [4]. Мазкур тадқиқотда асарнинг инглизчага ўгиришда Ж.Лейден ва У.Эрскинлар (6) бир-бирларидан беҳабар ҳолда иш бошлаганликлари баён қилиниб, мазкур таржимани Лейден вафоти муносабати билан Эрскин охирига етказганлиги ва у “Бобурнома” Лейден таржимасида” [7] номи билан Лондонда 1826 йилда эълон қилинганлиги айтилади. 1921 йилда Дублин университети профессори Уайт Кинг Эрскин-Лейден таржимасини қайта ишлаб, асарнинг французча нашрлари билан ўзаро солиштирган ҳолда янги нашрни эълон қилди [7]. 1844 йилда Лондонда “Бобурнинг ҳаёти”номли Р.М.Калдекот қаламига мансуб янги инглизча таржима нашр этилади [8]. Мазкур таржималарнинг аслиятга муқобиллик даражаси тўғрисида ҳали махсус тадқиқотлар яратилади. Ҳозиргача уларнинг А.Бевериж нашридан фарқ қилувчи жиҳатлари тўғрисида Н.Отажоновнинг тадқиқотлари мавжудлигини таъкидлаб ўтиш лозим. Бугунги кунда “Бобурнома”нинг А.Бевериж [9] қаламига мансуб таржимаси асарнинг хорижий тиллардаги энг нуфузли нашрларидан ҳисобланади.

Мазкур таржима “Бобурнома”ни Ғарбий Европада янада кенг ўрганилиши ва таржима қилишнишига асос бўлиб хизмат қилди. 1826 йилда немис шарқшуноси А.Кайзер Лейден-Эрскинларнинг инглизча нашрларини қисқартириб, немис тилига таржима қилди ва нашр эттирди [10]. Асарнинг энг янги инглизча нашрлари орасида америкалик шарқшунос В.М.Текстон таржимаси [11] ҳам алоҳида эътироф қозонди. Шунингдек, япон шарқшунос олими Эйжи Манонинг [12] инглиз тилидаги танқидий матни ва таржимаси жаҳон бобуршунослари томонидан кенг эътироф қилинди. “Бобурнома”нинг хорижий тиллардаги таржималари сирасида унинг французча нашрлари ҳам муҳим аҳамият касб этади.

1871 йилда француз шарқшуноси Паве де Куртейл [13] томонидан Парижда асарнинг французча таржимаси нашр этилди. “Бобурнома” 1944-1946 йилларда Анқарада икки жилдда турк тилида нашр этилди [14]. Асар рус тилида ҳам бир неча мартаба чоп этилган. Дастлаб Н.И.Пантусов [15] ва В.Я.Вяткинларнинг [16] русча таржимаси қисқартирилган ҳолда эълон қилинганди. Русча таржималар орасида энг нуфузли ва тўлиғи М.Салье томонидан амалга оширилган нашр бўлиб, у 1958 йилда Тошкентда нашр этилди [17]. Мазкур таржима асарнинг А.Бевериж қаламига мансуб инглизча нашри асосида бажарилган. Асарнинг француз Луи-Бокю Граммон [18] амалга оширган французча нашри асосида амалга оширилган янги олмонча таржимаси ҳам Ғарб шарқшунослари эътиборига тушди. Уни таниқли олмон шарқшунос олими Штаммлер [19] ўгирган. Бу нашр асарнинг аввалги олмон тилидаги А. Кайзер ва Юлиус фон Клапрот таржималаридан ўзининг тўлиқлиги ва илмий мукамалроқ эканлиги билан фарқланади.

Кейинги йилларда ушбу асарга немис тадқиқотчиларининг қизиқишлари тобора ортиб бораётганлигини кўриш мумкин. 2016 йил “Бобурнома”нинг янги немисча таржимаси яратилди. Ушбу таржима Германияда Пфорцҳайм шаҳрида фаолият кўрсатаётган ватандошимиз, тарихчи олим Ҳамиджон Далов [20] томонидан амалга оширилди. Таржима Берлин шаҳридаги “Pro Business” матбаа компанияси томонидан чоп этилган бўлиб, унинг немис тилидаги нашрига немис тарихчиларидан Мануэлла Даҳо муҳаррирлик қилган. Немис тилига таржима “Бобурнома”нинг ўзбек тилида Ҳамид Сулаймон тайёрлаган 1970 йилдаги нашридан унинг русча таржималаридан фойдаланилган ҳолда амалга оширилган. Янги немисча нашрга Бобур даврига оид 15та рангли миниатюралар суратлари ҳамда 3 та ўша даврга оид стратегик аҳамиятга эга бўлган муҳим хариталар ҳам киритилганлигини алоҳида таъкидлаш лозим. Айтиш керакки, “Бобурнома” немис тилига ўзбекча аслиятдан биринчи мартаба бевосита таржима қилинган. Бу ўзбек-немис таржимачилиги тарихида ўзига хос бир воқеъликдир. Бундан ташқари, асарни ўзбек тилидан немис тилига ўзбек тарихчи олими ўгирганлиги ва жаноб Ҳамид Далов Германияда бир неча йиллардан бери истиқомат қилаётганлигини ҳам инобатга олиши керак. Чунки ана шундай тоифадаги таржимоннинг бундай қомусий ва муҳим асар таржимасини амалга оширганлиги алоҳида аҳамият касб этади. Китобнинг немисча таржима нашрига таржимоннинг муқаддимаси берилган. Унда Ҳамид Далов немис китобхонларига Бобур ва бобурийларни таништирар экан, унинг ота томонидан Амир Темур (1336-1405) ва темурийлар сулоласига мансублиги ва унинг ўзи ҳам бобурийлар сулоласига асос солганлигини айтади. Шунинг билан биргаликда таржимон бугунги кун Ғарб оламида *Буюк мўғул империяси* деган тушунчага ойдинлик киритишга ҳаракат қилади. Бунда у таниқли немис шарқшунос ва исломшунос олимаси профессор Аннамари Шиммелнинг “Буюк мўғуллар салтанатида” (Мюнхень, 2000 йил) номли рисоласидан иқтибос келтириб, бобурийларнинг ҳеч қасиниси ўзларини бирор марта ҳам “Буюк мўғуллар сулоласи” деб атамаганликларини таъкидлайди [20]. Бобурийлар Ҳиндистонда 1526 йилдан 1857 йилгача, яъни 300 йилдан ортиқ вақт давомида ҳукмронлик қилганлар.

Шунингдек, “Бобурнома”ни 1990 йилда француз тилидан немисчага таржима қилган яна бир немис бобуршунос олими Вольфганг Штаммернинг Бобур ва бобурийлар империяси тўғрисидаги муносабатини келтирар экан, жумладан шундай дейди: “XVI асрнинг биринчи чорагидан бошлаб Бобур томонидан асос солинган империя ўша даврдаги Мовароуннаҳр ва Хуросондаги Шайбонийлар ҳамда Форс империяси бўлмиш”. Шу боис, ушбу янги немисча таржимани асарнинг бошқа немис тил Сафовийлар билан тенгма-тенг беллаша оладиган куч-қудратга ва нуфузга эга эди”(Шу китоб, 8-бет). Мутаржим Бобур “Бобурнома” асарини ўз она тилисида, ўша даврда *шарқий турк тили*, бугунги кунда *ўзбек тили* деб аталадиган тилда ёзди, - дейди. Хусусан, мазкур китобнинг жуда ҳам тушунарли ва равон тилда битилганлиги алоҳида таъкидланади. Айни пайтда ушбу бебаҳо қомусий асарда ўз даврининг энг буюк ҳукмдорлари, олим ва ижодкорлари тўғрисида ҳам қимматли маълумотлар келтиради.

Хуллас “Бобурнома” асарининг асл ўзбек тилидаги нашридан немис тилига янги таржимасининг амалга оширилганлиги аввало буюк бобомиз, юртдошимиз, буюк салтанат асосчиси, олим ва шоир Заҳириддин Муҳаммад Бобур сиймосининг жаҳон шарқшунослари, Ғарбий Европадаги кенг китобхонлар томонидан яна бир бор эътироф этилганлигини билдиради. Ҳамид Далов амалга оширган янги немисча нашрни бир бор ўқиб чиққандаёқ унда аслиятдаги жуда кўплаб миллий ва тарихий аҳамият касб этадиган хос сўзлар (реалиялар)ни, хусусан Бобур ва бобурийлар даврига оид лавҳаларни қайта яратишда аввалги нашрларга нисбатан анчагина ижобий ишлар қилинганлигини кўриш қийин эмас. Бизнингча, мазкур янги немисча таржима нашрини унинг аввалги таржималари билан аслиятга солиштирган ҳолда қиёсий аснода таҳлил қилиш мустақил монографик изланишни тақазо этади. Ўйлаймизки, бундай таҳлилдан таржима назарияси ва амалиётимиз учун муҳим натижалар қўлга киритилади.

#### Адабиётлар:

1. Shaikh Zainu'd-din of Khawai. "Tabanqat-i-Baburi". – London, 1872.
2. Payanda-Hasan of Ghazni and Muhammad-Quli of Hisar. "Waqaat-i-Baburi", 994 (1586).
3. Abdur-rahim mirza, Waqi-at-i-Baburi. 998 (1590).
4. Саломов Ғ., Комилов Н., Отажонов Н., З.Салимова. Таржимон маҳорати. – Т.: Фан, 1979.
5. Комилов Н. “Бобурнома” таржималари. // Гулистон, 1977, №3.
6. History of India under the first two soverrings of the House of Taimur-Babur and Humayun. By W.Erskine. in two vols, London, 1854; Life of Babar. By W.Erskine, in two vols, London, 1854.
7. Memories of Zahir-ed Din Muhammad Babur, Emperor of Hindustan written by himself in the Jagatai Turki and translated partly by the late Leyden Dohn, Esq., M.D., partly by William Erskine. Esq, London, 1826.
8. The Life of Babur. Cf/decott R.M. London, 1844.
9. Beveridge A.S. The Memories of Babur, a new translation incorporating Layden and Erskin's of A.D., 1826, London., 1912, idem. The Babar-name in English, London, 1922.
10. Denkwürdigkeit des Seher-Edden Muhammed Baber, Kaiser's von Hindustan, von ihm selbst im Dschagatai Turkischen verfasst und nach der englischen Uebersetzung des Dr.Leyden und W.Erskine deutsch bearbeitet von Kaiser A., Leipzig, 1828.
11. The Baburnama. Memories of Babur.. Prince and Emperor. Translated, edited and annotated by Wheeler M. Tackston, New-York & Oxford, 1996.
12. Eiji Mano. Babur-nama (Vaqa'yi). Critical Edition based on Four Chagatay Texts with Introduction and Notes. – Kyoto :Shokado, 1995.
13. Dictionnaire turk-oriental, destine principalement a faciliter la lecture des ourages de Baber, d'Aboul-Gazi et de Mir-Ali-Chir-Nevai, par. M.PavetdeCourteille. Paris, 1870.
14. Zahiriddin Muhammad Babur. Vakayi-un-hatirati, Child I-II. Ankara, 1944-1946.
15. Пантусов Н.И. Фергана по запискам Султана Бабура. Записки русского географического общества, Т.IV, 1884.
16. Вяткин В.Я. Самарканд и его окресности в прошлом по описанию Султана Бабура Мирзы. СКСО, вып.IV, 1896. С.30-37.
17. Захар-ад-дин Мохаммед Бабура. Бабура-наме («Записки Бабура»). -Т., 1958.
18. Vacque-Grammon. Le texte de Babur. – Paris, 1980.
19. Babur. Die Erinnerungen des Ersten Großmoguls von Indien. Manesse Verlag. Zürich. 1983. -S.910.
20. S.M.Babur. Babur-name. Deutsche Übersetzung von Hamid Dalov. Produktion und Herstellung: Pro-Business GmbH, Berlin. 2016.

(Тақризчи: Ҳ.Жўраев – филология фанлари доктори)